

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

И.Каримов



2015/11 №31

I.JODIY PAIVVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЯГОНА МАҚСАД, ЯГОНА МАФКУРА:
БИЗ ЎЗӢӮЛИМӢДАН ҚАЙТМАЙМӢВ

Истиқлонингга кўзмунчоқ бўлай, она диёрим!

кун эгалари учун янада кенг шарт-шароитлар яратмоқда.

Бугунги кун ҳақида фаҳрланишлан чарчамас эканмиз, мана шу имкониятлар бизга ажоддиларга муносаб авлод бўлиш, тафаккуримиз билан юксак зафарлар кучини, ҳар лаҳза, ҳар онда элим деб, юртим деб ёниб яшаш масъулиятини ҳам юклайди. Олдимизда шундайин улкан масъулиятли вазифани бажариш зарурати турибди. Зоро, Ватан ишончи ҳар недан баланд, ҳар недан муқаддас.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Она

юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобини ўқир эканман, Ватан одидаги бурч ва хизматларимизни теранроқ англадим. Асарда ҳалқимизнинг тинч-тотувлигини таъминлаш, кексаларни эъзозлаш, аёлларимизга ҳурмат кўрсатиш, шаҳар-қўшилоқларимиз ободлигига камарбаста бўлишдек муштарак гоялар билан биргаликда ёшлар масаласига катта эътибор қаратилган.

Китобда Президентимизнинг «Ўз ҳаёти, ўз тақдирини она Узбекистонимиз билан чамбар-

час боғлаб, келажак сари катта ишонч билан интилаётган болалар — бу менинг болаларим. Бундай азм ушижоатли, кўзлари ёниб турадиган, замонавий билим ва касб-хунарга эга, дунё майдонида ўз тенгдошлиари билан беллашувга қодир бўлган ёшларни ҳимоя қилишига, уларга мадад бершига, уларга ҳар қандай амалий шароит ва имконият тутдириси бершига мен ҳар доимо тайёрман», деган сўзлари бизларнинг келажакда кўлга киритажак эзгу орзу-мақсадларимиз йўлидаги кучимизга куч, гайратимизга гайрат кўшиди, ҳаммиша белни маҳкам қилиб улкан зафарларни кўзлашга унрайди.

Соҳибжон ХОТАМОВ
Сахна ва экран санъати драматургияси
бўлими 1-курс талабаси,
матбуот бўлими аъзоси

хон Уласеновалар кўтариинки кайфиятда олиб боришиди.

Тадбирни филология фанлари номзоди, профессор Султонмурод Олимов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатсан артист Рашно Ярашева ўзларининг табрик сўзлари билан очиб боришиди.

Тадбирнинг бадиий қисмида институт талabalari турли бадиий чиқишилар ҳамда устоз санъаткорлардан Оролмирзо Сафа-



комда эканлигини ифодаловчи восита ҳамдир. Шунинг учун ҳар бир ҳалқ ўз тилини «она тилим» деб сүяди, унинг учун байрамлар уюштиради.

Жумладан, 16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси маънавият-тарғибот маркази билан ҳамкорликда институтимизнинг ўқув театрида она тилимиз бўлмиш ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига 26 йил тўлгани муносабати билан «Она тилим, оламга юз оч!» деб номланган адабий-бадиий, маънавий-маърифий кечаси бўлиб ўтди.

Фарруҳ Эгамбердиев режиссёргиагида ушбу тадбирни Баҳодир Мағдисев ҳамда Рай-

ров, Аҳмаджон Даҳаев, Рустам Абдуллаев ва Азиз Талабоев, Гулзода Худойназарова, Ситора Рӯзиевалар тантанавор куй-қўшиқлар ижро этишиди.

Институтимизда она тилимизга бағишлиган тадбирлар давом этмоқда. Зоро, ўз она тилини улуғлаш ўзликни, миллатни, ота-боболарни улуғлаш демакдир.

Моҳисадаф УБАЙДУЛЛАЕВА
Сахна ва экран санъати драматургияси
бўлими 4-курс талабаси



Орзуларим рўёби, мустақиллик онаси, она тилим ўзбекиминг ўзлиги барҳаёт бўл, бағринг баҳт билан тўлиб тошину, «ўзбек тилим» сеҳр топган сўзларинг ер бағрига кўксин бериб ётмасин. Қаноатдан йиллар тўзонини босиб ўтаётган ўзлигимиз, ўзингдан кўпай. Онажоним орзусида, юртимнинг ёғдусида, тинчликдан кўпай. Кафтиимнинг чизиқлари сен босган йўлларнинг ярми. Забоним сени танийди, сен-ла манзил қучади. Топилганим, топилишга ултурмаган сўзлардан кўпай. Яша, йилларни ортингда қолдириб, дунёни лол қилиб яша. Ўрим сочли қиздан сўрсам сени танисин, қора танли, юзи күёшнинг нуридан ранг олган инсонлар сени танисин. Багрим бутун, ризқ бутун.

Сени йўқ қилишга уринганлар, ўчмас оловингдан ёнсинлар. Денгиз бўл, осингта гарқ бўлсин. Шамол қучиб қуюн бўл, тўзонингдан заррадек сочилсиналар. Сени кўролмаган, бизни сендан айримоқчи бўлгандар аёвсиз тўсиқлардан тинка мадори қуриб ортига қайтсан. Сени билиб қўйсин. Сени зирҳинг ёрilmас, ўзингни излаб бойисанг, сўзлар сени дунёларга парвоз қилдириб мақом айлайди.

Ўзбекистон белбоги бўл, ёвларга сен ҳақ тўқмоқ, дўстим деб кўл чўзганга эса чин дўст.

Дурдана Бону ЎРОҚОВА
Сахна ва экран санъати драматургияси бўлими
4-курс талабаси



Бундай шартномалар тузишдан мақсад институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари турли халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган лойиҳаларда қатнашиб, хорижий олий ўкув юртларда тажрибалар алмашиниш, халқаро анжуманларда ва ўкув курсларида иштирок этиши учун имкониятлар яратишиди.

ЎзДСМИ раҳбарияти фақат мавжуд шартномалар доирасида чекланиб қол-

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, юқори малакали педагог кадрларни аниқлаш ва тақдирлаш, уларнинг фаолияти нуфузини янада ошириш, ўқитишининг инновацион технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик мұхитини яратиш, олий таълим муассасалари педагогларининг касбий равнақини рағбатлантириш ва маҳоратини ошириш мақсадида 2015 йил 24 февральда Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови эълон қилинди.

Олий таълим муассасаси босқичида иштирокчилар томонидан тавсия этилган педагогик концепциянинг аниқ қўйилиши, унинг таълим ривожланишининг



Институтимиз ҳозирги кунга қадар МДҲ таркibiغا кируочи давлатлардан Белоруссия, Озарбайжон, Россия, Қозогистон ҳамда хорижий мамлакатлардан Латвия, Корея сингари бир қатор мамлакатлар олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан 10 дан ортиқ халқаро шартномаларга эга.

масдан институтнинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларини янада юксалтириш учун ҳар бир имкониятдан фойдала-

нишга интилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 16 октябринда Чехия Республикасининг Тошкентдаги элчиси ўринбо-

сари Яромир Янев ҳамроҳлигида Чехиянинг «Кечки оқшом» фольклор ансамбли институттаги ташриф буюрди. Жамоа аъзолари институтдаги дарс жараёнлари, талабалар ва ўқитувчилар учун яратилган шароитлар билан танишишдан ташқари талабалар ва ўқитувчилар учун катта концерт дастурини ҳам намойиш этди.

Концертда Словениядан келган санъаткор миллий мусиқа асбобини чалишни ҳамда миллий рақслар ижросини кўрсатиб берди. Мазкур учрашув барчада жуда яхши таассурот қолдирди. Учрашув охирида бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб турниш зарурлиги, келгусида институт талаба ва ўқитувчиларидан тузилган гурӯҳнинг Чехияга сафар қилиши имкониятлари борасида фикрлар алмашиди.

**Муталиб ҚОСИМОВ
Халқаро алоқалар бўлими бошлиги**

ни ўзлаштирганлик даражаси, улардан қасбий фаолиятида фойдаланиш малакаси кабилар баҳоланди.

Танловнинг Республика босқичида ҳам институтимиз вакиллари чолгу ижрочилиги кафедраси мудири, профессор Ў.Ф.Тошматов «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог» номинациясида, эстрада ва оммавий томошалар санъати кафедраси доценти в.б. Ж.А.Маматқосимов «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Институт жамоаси голибларни чин дилдан муборакбод этиб, уларнинг педагогик фаолиятида улкан зафарлар тиљаб қолади.

**Умида ҲАСАНОВА
Таҳририят ва наширёт бўлими
муҳаррири**



замонавий босқичидаги асосий анъаналарига мослиги, илмий-педагогик гояларни касбий фаолиятида амалга ошириш даражаси, тақдимотнинг мантиқийлиги ва яхлитлиги, асосий гояларнинг шакллантирилганлиги, ўз фикрла-

рини баён этиш қобилияти, тақдимот шакли, фикрлар яхлитлиги, ўзига хослик, эстетик безак, техник жиҳатдан тайёрланганлик даражаси, касбий компетентлиги, ахборот-коммуникация технологияларини ва хорижий тиллар-



«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, юқори малакали педагог кадрларни аниқлаш ва тақдирлаш, уларнинг фаолияти, нуфузини янада ошириш, ўқитишининг инновацион технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик мұхитини яратиш, олий таълим муассасалари педагогларининг касбий равнақини рағбатлантириш ва маҳоратини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови ўтказилди.

Ушбу танловда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти чолгу ижрочилиги кафедраси мудири, профессор Тошматов Ўрозали Фофурович қатнашиб, танловнинг республика босқичи голиби бўлди. Устоз кўп ийлилк педагогик фаолияти давомида, талабаларга замонавий интерфаол усуслардан фойдаланиб, ҳар бир талабанинг имконияти, қобилияти, қабул қилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда инновацион ишланмалардан ўринли фойдаланиб, ўз услугуби билан малакали кадрлар тайёрлаб келмоқда.

Ўрозали Тошматов созанди ва хонданда, шунингдек гурӯҳ раҳбари сифатида Германия, Бельгия, Голландия, Испания, Франция, Швейцария, Корея Халқ Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ҳамда Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган фестивалларда иштирок этган.

Ўрозали Тошматов педагог сифати-



да жуда катта тажрибага эга. Устоз якка муаллифликда 7 та ўкув қўлланма ва 2 та тўплам, ҳаммуаллифликда 5 та ўкув қўлланма ва 1 та монографияни чоп эттирган, 30 дан ортиқ илмий ва ижодий мақолалари чет эл ва республика илмий журналларида эълон қилинган, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун чоп этилган 10 дан ортиқ ўкув қўлланмаларига муҳаррирлик қилган.

Устоз томонидан ўтказиладиган маъруза, амалий ва якка тартибдаги машгулотлар илгор педагогик технологиялар ва янги замонавий ахборот технологияларни қўллаши самарадорлиги билан ажralиб туради. Иш фаолияти давомида ташаббускорлиги, ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиши, берилган топшириклини сидқидилдан бажариши, хизматдошларига нисбатан самимий муносабати, сергайратлиги, ҳозиржавоблиги ва янгиликларга интилувчанлиги билан ҳурмат қозонди. Жамоат ишларидаги фаол иштирок этиб, ўзига юклатилган вазифаларга қўшимча равишда маданият ва санъат ривожи учун зарур бўлган қатор янги услубларни жорий этиб, республика бўйича йилнинг «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови голиби бўлди.

Жавоҳир ТУРАТОВ

Касб таълими: чолгу жамоаларига раҳбарлик бўлими 4-курс талабаси



«Олий таълим муассасаларининг энг яхши педагоги» танловининг республика босқичи голиби Жаҳонгир Маматқосимов ўз фаолияти давомида ҳар жабҳада фаоллиги билан ажralиб туради.

Эстрада ва оммавий томошалар санъати кафедраси доценти в.б. талабаларга «Эстрада ва оммавий томошалар режиссураси» ва «Актёрлик маҳорати» мутахассислик фанларидан дарс бериши мобайнида замонавий интерфаол усуслардан фойдаланиб бормоқда. Ҳар бир тингловчининг имконияти, қобилияти, қабул қилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда инновацион ишланмалардан ўринли фойдаланганлиги, ўз методологик услубига эга эканлиги учун ҳам дастлаб институт, сўнгра республика миқёсида, «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинацияси бўйича эътирофга сазовор бўлди.

Жаҳонгир Маматқосимов 2012 йилдан бугунги кунгача Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида қисқа фаолияти давомида ташаббускорлиги, ташкилий ишлардаги жонкуярлиги билан самарали нати-

жаларга эриша олди. Хусусан, 2012 йил профессор Б.Сайфуллаев билан ҳаммуаллифликда нашр этилган «Актёрлик маҳорати» дарслиги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўкув адабиёти муаллифи — 2013» Республика кўриктанловида фахрли 1-ўринга мунособ топилган эди. Ҳар йили ўтказиладиган турли мавзулар доирасидаги илмий-амалий конференцияларда мунтазам қатнашиб бориши баробарида, хорижий ва республика нашрларида, тўпламларда ҳам мақолалари билан иштирок этиб келмоқда.

Бугунги кунда ёш тадқиқотчи мутахассислик йўналиши бўйича «Маданият ва санъат коллежи ўқитувчиларида номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш» мавзусидаги диссертация устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Бир қатор республика ва вилоят тадбирларининг ташкил этилиши ҳамда саҳналаштирилиши жараённи ҳам масъулиятли вазифаларни адо этиб келмоқда. Уларга билдирилган ишонч биз каби издошлар камолотида ўз аксими топиши муқаррардир.

**Баҳодир ОМОНБОЕВ
Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги бўлими 3-курс талабаси, матбуот бўлими авзоси**



«Таҳдид», «Алданган аёл», «Губанлик», «Одноклассники.ru» каби одамларни оғоҳлика, тўғри йўлдан юришга даъват этувчи фильмлар режиссёри, шунингдек Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти кино, телевидение ва радио режиссёrlиги кафедраси ўқитувчisi Ҳилол Насимов 23 октябрь куни Алишер Навоий номли киносарайида навбатдаги, ўз услугига хос бўлган «Ажал жодуси» кинокартинасини катта экранда тақдим этди.

Сўнгти пайтларда жадаллик билан ижтимоий мавзуда ижод қилаётган Ҳилол Насимов мазкур фильмни орқали айни дамда жаҳон ҳамжамиятида содир бўлаётган таҳликали урушлар ва ундан манфаатдор бўлган гуруҳларнинг ватанимиз тинчлиги ва осойишталигига ҳам раҳна соловчи ёт фоялардан огоҳ этиш бир қаторда ҳалқимиз орасида тафакур қиласдан, ўз юргида ҳалол меҳнат қилишдан кўра осон пул топиши илинжида чет элга кетишга шайланган, мўмай даромади «иш» ваъда қилаётган фирибгарлар тузогига тушган ота-болаларнинг ачтиқ қисматларини реал во-

қеликка асосланиб бадий талқинда ёритган. Умуман олганда, Ҳ.Насимовнинг бу ижод маҳсулни унинг аввали фильмларидан кўра профессионализм ҳамда савияси билан ажralib туради.

Фильм жамиятимизда фуқаролар учун яратилган имкониятлардан фойдаланмай, дабдабаю ҳашаматга берилган, эл оғзида овоза бўлишни хуш кўрувчи аёл (актриса Муяссан Бердикулова) ва уни ўз вақтида тўғри йўлга қайтара олмаган эрнинг (актёр Баҳодир Муродов) бошидан кечирганинг ҳақида сўзлайди. Фарзандларини ҳалол меҳнат билан улгайтирган эр, хотинининг «ниятларини» амалга ошириш учун тўнгич ўғлининг никоҳ тўйини ўтказиб, «бўйинча» қарзга ботади. Орадан икки ой ўтиб, қарзини сўраб келгиларнинг кети узилмайди. Қарзлардан кутилиш учун ота икки ўли билан Россияга йўл олади. Шу ўринда режиссёр айнан ўзбекчиликка хос бўлган баъзи иллатларимизни бўрттирамай, яширмай ошкорга намоён этган. Таъкидлаш жоизки, режиссёр қаҳрамонларнинг ўзга юртдаги хатти-ҳаракатларини шунчаки турли қийинчиликлар ва юрт соғинчи билан эмас, балки ахборот воситалари орқали жарсолинаётган имигрант ўзбекларнинг Россиядаги турли жинояларини синчковлик билан ўрганиб, ҳаққониятга мосравишида тасвиirlab берган. Чукур бидии савияга эга сценарий (муаллифлар — Ҳилол Насимов, Хосият Рустамова), актёрлар ансамбли (Муяссан Бердикулова, Ширин Исмоилова, Баҳодир Муродов, Шоҳруҳ Насимов, Фотих На-



симов), моҳирона операторлик иши (Умид Маликов), режиссёр айтмоқчи бўлган гоя ва унинг моҳиятини тўлақонли акс эттирган. Энг муҳими томошибинда фильм сўнгтида турли саволлар ва тушунмовчиликлар туғилмайди, аксинча мулоҳаза ва фикрлашга ундаиди. Бу эса санъатнинг асосий вазифаларидан бириди.

Мазкур картинада бош роллардан бирини ижро этган институтимизнинг кино, телевидение ва радио режиссёrlиги 1-курс талабаси Фотих Насимовнинг актёрлик маҳорати сезиларли даражада ўсганлигини ҳам қузатиш мумкин. Айниқса, отасининг майитини бегона юртда кўмишга қўли бормай, яширинча гиламга ўраб поездда олиб кетаётгандан беҳосдан ўтиргандаги ҳолатини тасирили равишда ижро этган.

Юқоридаги фикрлардан ҳулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон кино санъатида яна бир ҳақиқий олқишига лойиқ, шу билан бирга Ҳилол Насимов шогирдлари саналмий институтимизнинг режиссура, драматургия йўналиши ва соҳага таалуқли бошқа талабалари учун улкан мактаб вазифасини ўтовчи бадий фильм вужудга келди. У шунчаки маданий дам олиш ёки

кайфиятни кўтиришга қаратилган эмас, балки мулоҳаза ва мулоҳазага чорловчи, томошибинни жиддий ўйлантирувчи санъат асаридир.

**Сайдабор УМАРОВ
Ўқув шилар инспектори**



«Устозлар ва мураббийлар» куни муносабати билан яқин бир ҳамкасбим «Байрамингиз билан табриклиман!», деб совга сифатида кичкинагина китобни қўлимга тутқазди. Мен у кишига ўз миннатдорчилигимни билдириб, ишдаги кундалик топшириқларни бажариб бўлиб, уйга кетишдан олдин китобчани варақлай бошладим. Ҳулкар Ҳамраева... «Озод домла ўтитлари»... ўқий бошладим. Ҳа, киши улгайтан сари устозлар ўтитларига кўпроқ кулоқ тутадиган, ҳаётнинг сир-синоатларини чукурроқ англайдиган бўлиб борар экан.

Таникли жамоат арбоби, атоқли адабининг публицистик асарларини жуда кўп ўқиганман, номзодлик ишимда ҳам фойдаланганман, аммо устознинг ушбу ўтитларини ўқимаган эканман. Ҳурматли газетхон, Сиз ҳам бу ўтитларнинг бальзилиари билан танишиб кўринг-чи, балки Сизнинг ҳаётингизда ҳам ушбу ўтитлар асқотиб қолар.

5-6 ёшларимда ҷўмилишини яхши кўрадиму, сузини билас эдим. Бир куни болалар қийқиришиб ҷўмилиб юрган анҳорни кўрдиму, югуря келиб ўзимни сувга отдим. Анҳор чуқур экан. Табиийки, чўка бошадим. Катта болалар бир амалаб қирғоқча олиб чиқиб қўшишган. Менинг китоблар оламига кириб келишим ҳам шунга ўҳшаган тарзда содир бўлган — ҳали ўқишини ўреаниб ўрганмай, ўзимни китоблар уммонига отганман. Бу уммон ҳам чуқур экан, лекин буни қарангни, бу уммонда чўкмай, ҳануз сузиб юрибман.

Очигини айтсан, мутолаага қизиқиши қаердан туглишини ҳозирга қадар билмайман. Ахир, ўзингиз ўйланг — менга ҳеч ким китоб ўқигин, бу — фойда, деган гапни айтган эмас, ҳеч ким уч сўм сарфлаб битта китоб олиб берган эмас. Бувим гирт саводсиз, ўқимаган аёл эди. Аям саводли бўлса-да, китоб ўқишига вақти ҳам, ҳафсаласи ҳам ўйқ эди. Ўйимизда бирон дона китоб бўлмаган. Факат менинг «елиб югуришим» билан уч-тўрт ўйла кичикроқ бир кутубхона майдонига келди. Ҳозир бўлса, ўйимда росмана бир кутубхона бор. Үнда керакли китобларнинг ҳаммаси топилади, десам мубалага бўлmas. Агар мен ўқишига киришиган чөларимда юй остимда шундай кутубхона бўлганда борми, бисмадим, нима бўлардийкин.

Ҳозирги ёшлар орасида ялти равишда китобдан юз ўғриши, имкони борича кам ўқиши касали пайдо бўлган. Нега? Эҳтимол, бунга биз — катталар айбордормиз. Эҳтимол, ҳар

иши дастуру талабларга амал қилиб, болаларнинг авжи ўқиёдиган пайтида уларга бўлар-бўлмас китобларни тиқшишириб ётгандирмиз ва бу қилигимиз билан биз ўзимиз улардаги ҳавасни таг-томири билан ўйқ қилаётгандирмиз. Эҳтимол, биз — катталар энг яхши ниятлар билан қуролланган ҳолда, устимизга доно мураббий либосини ташлаб олиб, китоб ўқишидек ҳузурбахи бир ишни зерикарли бир машгулотга, кишини дикқинафас қилишдан бошқа нарсага ярамайдиган мажбуриятга айлантириб қўйгандирмиз?

... менинг фикримча, бадииятни бир қолипга жойлаб бўлмайди. Негаки, бадиият истебоддинг меваси, истебод эса турфа хил бўлади. Менга қолса, китобхонинг ҳам ақлига, ҳам туйтуларига озиқ берадиган, уни ҳаяжонсига соладиган, узоқ муддатга қалда ўрнашиб қола оладиган асарни бадиий баркамол асар деса бўлади.

... ёшлар мутолааси билан катта ёшдаги одамлар мутолааси ўртасидаги асосий фарқ нимада деб сўрасангиз, мен шундай деб жавоб берардим: ёшларнинг китобга муносабатида эмоционал туйтулар устун туради, катталар эса кўпроқ китобдаги интеллектуал эсқиатларга қизиқади, ундан ўзининг ижтимоий-фалсафи, мафриғий ва маънавий ўхтиёсличини қондиришини ўйлади. Ёшлар китобдан заев-шавқ қидирса, катталар умрлари давомида йигилиб қолган саволларга жавоб излайди ёки ўзлари топган жавобларни китобдаги жавобларга таққослайди.

Китоб ва мутолаа ҳақида кўп ва узоқ гапириши мумкин. Агар қисқагина хуносанамо бир гап керак бўлса-ю, шундай дердим: XXI аср бошланди. Шу муносабат билан кўплар бу асрда турфа хил янгиликларни, ўзгаришиларни башорат қўймоқдалар. Жумладан, интернетни кўкларга кўтариб, энди анъанавий китобнинг куни битди, дейшишмоқда. Бундай «башорат»ларнинг тарафдорлари кўпинча «бозор муносабатлари китобнинг қаорини тушириб юборди — энди кўпроқ пул топиши билан боғлиқ бўлган янгича турмуши тарзи кириб келяти. Ана, гарб ҳам китобдан юз ўешиб, бемалол яшаб юрибдику!» дейшишиди. Бу ўринда ўзимизнинг ношудлигимизни хаспўшлиш учун айни бозор муносабатларига тўйнаши бутунлай нотўғри.

Албатта, янги асрда жуда кўп янгиликлар бўлади, лекин мен аминманки, китобнинг жанозасини ўқишига ҳали эрта. Менимча, китоб деган нарса инсоннинг табиати, моянати билан боғлиқ бўлган буюк мўъжизадир. Инсон бор экан, китоб ҳам қай бир шаклда яшайверади. Шундоқ экан, бу мўъжизадан баҳраманд бўлишдан тўхтаманг, азизлар!

Санъатнинг даргоҳи қенг. Бу даргоҳда санъаткор тарбияловчи ҳам, тарбияланувчи ҳам жамиятнинг маънавий қиёфасини, инсонлар қиёфасини гўзлалаштирувчи шахс ҳисобланади. Шундай экан, уларнинг дўсти аввало адабиётдир. Санъат оламининг ичади адашиб қолиб, виждон, инсоф, динат, масъулият ва ҳақиқатнинг барқарорлигига путур етказадиган фақат шахсий манфаат, худбинлик туйтулари билан яшайдиган кишилар жамиятни маънавий таназзулга олиб келади. Ана шундай кишилардан яратганинг ўзи арасасин.

**Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Илмий ёшлар бўйича проректор**

«Қарақалпак сахнасының Бердақ шайыры»

Театр – бул турмыс айнаси. Демек өзимиз жасап атырган өмидиң ҳар кийли маҳқалалари, адам тәғдири, турмыс галма-галлықлари, онын қарашы ҳам жарық тэреплерини барлығы усы театр деп аталған мәқанда көз алдымызга келди. Бугунги кунде театрга қызықпайтуғын, онын тамашаларын ықлас пенен көрмайтуғын адамды ушыратыудын ези қызын. Ал театрдың тийкари нeden басланады? Яғний театрдың тийкари бул – драматургия. Драматург жазган пьесага жан беретугын ким? Бул – элбette режиссер. Эдебий материалга жан ендирип, оны саҳнага алғып шығыўда режиссердин тутатуғын орны өз алдына. Ол драматургтиң жазган шығармасын тамашагелерге түснинкли турде ықшамлап, саҳнага алғып шығади. Роллери дурыс таңлап, ҳар бир образдын ишни сезимлерин, онын жүрис-турсын, қоршаган орталыққа көз-карасын ашып бериў де режиссердин ўзайпасы. Ол саҳна кенислигига аблык беретуги керекмил-идеясын көрсете албўы, ҳэмде тамашагелер ушын тартымлы бойыў ушын художник пенен тығыз байланыста жумыс алыш барады. Образлар ушын саҳнайык костюмдердин дурыс таңланыўы, спектаклдин музикалык жактан безелийнде де режиссердин композитор менен тығыз байланыста алыш барага ҳызмети керинеди. Жарық берни шеберлери, саҳна ҳызметкерлери менен де исслесетуғын режиссер. Ол пьесаны колга албўы менен кимге қандай роль туседи? Ким қайсы ролди терес менгере алады? Усының барлығын езиниц ой елегинен откерип актерларга бөлистирип беретугын да режиссер. Сүретчи-декоратор, композитор менен жумыс исслетугын да режиссер болып шығыў ушын тыйнисмай мийнет етеди.

Әзбекстан мәмлекетлик көркем өнер ҳэм мәденият институти. Некис қисип ийелериниң бири – талантлы актер ҳэм белгили режиссер, хўрметли устаз, Әзбекистон халқи артисти, Бердақ атындағы мәмлекетлик сыйлықтың лауреаты Нажиматдий Аңсағбаевтың эмир жоли ҳам дерети ўшилил ҳызметлери ҳаққинда жазылган «Қарақалпак сахнасының Бердақ шайыры» атамасындағы китаптың призентацияси болып етти. Бул илмий мийнеттингин авторлари театранышы айлам, көркем өнер таныў илмимериниң докторы, профессор Тешебай Баяндив ҳам Әзбекстанга ҳызмет корсеткен мәденият ҳызметкери, Қарақалпастанға мийнети синген көркем өнер гайраткери Баҳтияр Сайфуллаевлар. Ал бул илмий мийнеттеги қарақалпак тилине аударган институтымыздың музикалы, драматик театр ҳэм кино кафедраси ага оқытыйшысы Рашид Уснатов. Усы илмий мийнеттеги талантлы режиссер Н.Аңсағбаевтың спектакларине ҳэм ол аткарған роллereгге толли таллаў жасаган. Мәжилистест шығын сойлекен профессор-оқытыйшылардан Әзбекистонга ҳызмет корсеткен артистка М.Исмаилова, театр сыншысы Ж.Хожанов, оқытыйшы Л.Оразымбетовалар бил илмий мийнеттиң ҳаммийетине кен турде тоқталып бил китап студентлеримиз ушын оқыў қолланба сыйкатында да пайдаланылатуғынлығын атап етти. Сөзге шықкан студент-жаслар да бул өз ўакытында шықкан нағыз заманагаे китап деп бил мийнетке жокары баҳа берди. Мине усындағы көркем өнер тарауы ҳаққында алдағы ўакытлары да илмий мийнетлер тезден жарық көрп туре берсе екен тилектемиз.

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ воспитание

В наше время остро встает вопрос экологического воспитания, сейчас уже весь цивилизованный мир осознал всю важность проблемы сохранения окружающей среды. И надо отдать должное тому вкладу нашего государства, который оно вносит в решение этой проблемы. Мы придаём вместо «отдаем» значение воспитанию гармонично развитого поколения, которое сможет сохранить и передать природу своим детям. В Узбекистане ещё на ранних этапах воспитания введены предметы, непосредственно связанные с наукой экология. В школах введен курс «Природоведение». Функционируют кружки экологов, проводятся открытые уроки, где молодые предлагают свои пути решения нависшей угрозы над человечеством. Поэтому мы не должны недооценивать сложившейся ситуации в мире. Необходимо относиться к природе, как к самому себе, ведь здоровая окружающая среда является залогом хорошего здоровья. В конце хотелось бы обратиться с призывом к читателю: не относитесь к природе безразлично, берегите то, что мы имеем, ведь мы с вами уже подошли к черте, прейдя которую мы не сможем восстановить экологический баланс в природе.

Хасан МУСАЕВ
Кандидат биологических наук,
Сардор ХАПИМОВ
Студент 1-курса отделение театроведения



Манзура ИБРАГИМОВА
Чолғу жамоалари раҳбарлик бўлими 2-курс талабаси

лаган «Насиҳат» (Ходдор Хўжаев шеъри), «Мен севаман, сен севасанму?» (Мискин сўзи, Фуломжон Хожикулов мусиқаси), «Бизни ташлаб» сингари куй-кўшиклар кечага кўтаринкилик багишлади.

Устознинг шогирдлари саналган 2-курс халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик бўлими талабаси Маргуба Ваҳобова ҳамда Шахноза Нажмиддиновалар ижросида «Дутоҳ Ҳусайнӣ», Файзулю Назруллаев ижросида (Фурқат газали, халқ кути) «Қадимги ушшоқ», яна Маргуба Ваҳобова ижросида (Н.Назруллаев шеъри, Хайрулла Лутфуллаев мусиқаси) «Онажоним, сизга таъзим» ҳамда Отабек Хидиров ижросида аввал «Хат ёзиларму» сингари дилрабо кўшиклар ўшлар шикоатини янада ошириди.

Ўтказилган тадбир талабалар маннавий дунёсини бойитишига хизмат қилди.

Кириш сўзи ўрнида устоз аввал ўшлар учун энг керакли мавзулар: одоб-ахлоқ, маннавият ва маърифат хусусида мулоҳаза юритди. Кундан-кунга авж олаётган «коммавий маданият» хуружларидан ўзини ўзи ҳимоялаш йўллари ва бўш вақтни унумли ташкил этиши борасидаги маслаҳатлар йигилганларни бефарқ қолдирмади. Жараён қизгин мунозарали сухбатга уланиб кетди.

Фоят фойдали ҳамда мазмунли сухбатдан сўнг талабаларга ажойиб концепт дастури тақдим этилди. Бунда устоз томонидан кўнгилга яқин гўзал тароналар янгради. Жумладан, Пўлат Мўмин шеърига ўзлари мусиқа бастан-

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси
бўлими 3-курс талабаси



Муҳаббат аввало Ҳудодан,
Висолни осмондан кутамиз.
Қаторлаб учганда самодан
Бахт қушин иккимиз тутамиз.

Бегонадан бегона бу йўллар,
Қай томон чорлайди, билмадим.
Таниш ва нотаниш манзиллар —
Адогида турибди қисматим.

Биламан кутяпсан сен мени,
Ҳижрон ва аламнинг устида.
Соғиндим жонгигам мен сени
Гўзал кузнинг илк ёмғири остида.

Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва
маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир ҳাযъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамзам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Умидга ҲАСАНОВА
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Умидга ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек
тумани, Ялонгоч мавзеси, 127 А уй
Тел: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsni.uz; dsni_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 раками билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

тиб боришдан иборат. Институтда рўй берадиган музим воқеалар, давлат тадбирлари, миллӣ шодиёналар, расмий учрашувлар, санъат ҳафтагиллари, таълим ва ижодий имтиҳонларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмайди. Шу билан бирга, телевидение ва радио миқёсида институтнинг мақомини кўтариш, унда олиб борилаётган чора-тадбирларни оммага кенгроқ ҳавола этиш ҳамда талабаларнинг ижодий ва касбий фаoliyatiini мустаҳкамлаш мақсадида бўлим аъзоларини теле ва радио дастурларда иштирик этишини таъминлаш вазифалари мавжуд.

Матбуот бўлими 16 нафар аъзо (табла ва магистр)лардан иборат бўлиб, куйидаги таркибий тузилишга эга:

- матбуот бўлими раҳбари;



шидан ҳафтанинг барча кунларида ижодий жамоа томонидан институт радиосида тушлик учун ажратилган 40 дақиқалик вақтни ҳам мазмунли ўтказишини кўзлаган ҳолда, кундалик дастурлар бераби борилмоқда. Ҳар бир лойиҳалар кўламида талабаларнинг мутахассислиги доирасида зарурий билимларни мустаҳкамлаш ва фойдали маълумотлар бераби бориш назарда тутилган.

Матбуот бўлимининг асосий мақсади — институтда амалга оширилаётган сиёсий, маънавий-маърифий ва ижтимоий чора-тадбирларни, давлатимиз томонидан белгилаб кўйилган вазифалар ва масалаларнинг институтг ҳаётига татбик этилишини, таълим ва ўшлар сиёсатига доир қонун ва қарорларнинг амалий ижросини республика матбуотида ҳамда институтнинг расмий веб-сайти (www.dsni.uz), «Ижодий парвоз» газетаси, «Мўъжаз Ватаним» радиосида ёри-

матбуот бўлими сардори;

- матбуот бўлими веб-сайтдаги мақолалар таҳрирчisi;

- республика матбуотлари учун жа-вобгар аъзо;

- теле ва радио бўлими сардори;

- интервьюлар бўлими сардори;

- жараёнларни рус ва инглиз тилларида ёритишига жавобгар аъзо;

- жараёнларни ёритишида ҳар ой учун жавобгар аъзолар.

«Ижодий парвоз» газетасининг мазкур сонида иштирик этган аксар ижодий ишлар муаллифлари матбуот бўлими жамоасидир. Мазкур таркиб ихтиёрий тартибида кенгайтирилиши мумкин.

Маҳлиё ТЕПЛАБОЕВА
Театр санъати йўналиши
1-курс магистранти,
матбуот бўлими бошлиги



Ферузбек ФАФОРОВ
Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик
бўлими 1-курс талабаси



Юрагим бардоши тугаб бормоқда,
Соғинч оловида куйиб ёнмоқда.
Қўзларим ҳар куни йўл пойламоқда,
Сиз мени соғиниб қачон келасиз?

Гоҳида армонлар устимдан кулар,
Армонлар қалбимни янтоқдек тилар.
Келсангиз нигоҳингиз армоним юлар,
Сиз мени соғиниб қачон келасиз?

Билсангиз сизни деб қонлар ютаман,
Йўлингизни пойлаб ҳар он кутаман.
Дунёдан кет дессангиз ҳозир кетаман,
Сиз мени соғиниб қачон келасиз?

Куним сизсиз ўтмайди, сиз буни ҳеч билмайсиз,
Ошиқ Ферузбек ҳолидан хабар олиб келмайсиз.
Биздек фақирингизни ё назарга илмайсиз,
Эх! Сиз мени соғиниб қачон келасиз?

Йўлингизга қўзларим зор бўлиб кетди,
Соғинчларда оҳларим осмону кўкка етди.
Орзулар армон бўлиб сабрим ҳам қуриб битди,
Сиз мени соғиниб қачон келасиз?

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А2, ҳажми — 1 босма табоқ.
Нусхаси — 2000 дона. Баҳоси келишилган нарҳда.
Чоп этишига 10.11.2015 да топширилди.